Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 110 (5401)
16 МАЙ 1984 й.
ЧОРШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

МУКОФОТ ТОПШИРИЛДИ

16 май куни тантанали вазиятда Тошкент олий партия мактабига Халқлар дўстлиги ордени топширилди. Институт Ўрта Осиё республикалари учун партия ва совет кадрларини тайёрлаш соҳасидаги катта хизматлари учун шу мукофотга сазовор бўлди.

Ватаннинг юксак мукофотини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев топширди.

(ЎзТАГ).



БИРИНЧИ ТАҚДИМДАЁҚ

Валентина Корчигинанинг (ўнгдаги сурат) Тошкент асбобсозлик заводида чарҳловчи касбида меҳнат қилаётганига ўн йил бўлди. Чарҳловчилик юксак аниқликни, катта қунт ва эътибор билан ишлашни талаб қиладиган энг нозик касб ҳисобланади. Тажрибали ишчи зиммасидаги вазифани муваффақиятли уддалаяпти. Назоратчилар у тайёрлаган буюмларни биринчи тақдимда ва аъло сифатда қабул қилади.

Майрам Турдиалиева (чапдаги суратда) ҳам шаҳримиз саноатининг пешқадам ишчиларидан саналади. У «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош корхонасида автоматик станокларни бошқаради.

Майрам опа 9 ва 10-беш йилликларда намунали меҳнат қилиб, беш йиллик зарбдори нишони билан тақдирланганди. Илғор ишчи меҳнат календарида бугунги кунда 1985 йилнинг биринчи квартали давом этяпти.



В. Сироткин фотолари.

ИНСОН ВА АТРОФ-МУҲИТ

ЮНЕСКОнинг «Инсон ва атмосфера» программасига мувофиқ чақирилган ва 15 май куни Тошкентда очилган халқаро конференцияда хўжалик фаолиятининг атроф-муҳитга таъсири, генетик, ирсий ва экологик омилларнинг одамларга таъсири проблемалари, аҳолининг демографик структураси проблемалари муҳокама қилинмоқда. Ленин мукофотининг лауреати академик Н. П. Дубинин, бошқа таниқли олимларнинг докладлари ва ахборотларида планета аҳолиси билан табиатнинг ўзаро таъсир принциплари таҳлил этилмоқда, кишилар соғлигини сақлаш масалалари кўтарилмоқда.

Конференция ишида Болгария, Венгрия, ГДР, Совет Иттифоқи, Чехословакия, АҚШ, Финляндия вакиллари қатнашмоқдалар.

Конференция қатнашчилари республикадаги бир қанча илмий-тадқиқот муассасаларининг фаолияти билан танишадилар. Самарқандда бўладилар. (ЎзТАГ).

ТИНЧЛИК ЭСТАФЕТАСИ ЙЎЛДА

15 май куни Тошкентдан йўлга чиққан тинчлик эстафетаси қатнашчиларининг автопоездини «Тинчликни кўпоришга йўл қўймаймиз!», «Ядро уруши хавфини бартараф этамиз!», «КПССнинг тинчликсевар сиёсатини маъқуллаймиз!» деган плакатлар ва транспарантлар безади. Тинчликни ҳимоя қилиш Ўзбекистон комитетининг актівлари, Улуғ Ватан урушининг ветеранлари, «Билим» жамияти лекторлари, партия ва жамоат ташкилотининг вакиллари республика шаҳарлари ҳамда қишлоқларини бўйлаб сафарга жўнадилар. Улар ядро уруши хавфига қарши актив ҳаракатлар ойлиги кунларида саноат корхоналари, колхозлар ва совхозларга, ўқув юртларига борадилар, у ерларда урушга қарши митинг ва йиғилишлар бўлиб, тинчлик зарбдор вахталари ўтказилади. (ЎзТАГ).

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● Ўртоқ К. У. Черненконинг Москва шаҳридаги иккинчи Халқаро музика фестивалининг қатнашчилари ва меҳмонларига йўллаган табриги эълон қилинган.

● Кеча П. И. Чайковский номидаги консерваториянинг катта залида «Музика инсонпарварлик, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик учун» шиори остидаги фестивалнинг тантанали очилиш маросими бўлди. Маросимда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Г. А. Алиев, таниқли маданият арбоблари, жамоатчилик вакиллари, чет эллик меҳмонлар ҳозир бўлдилар.

● Ўзбекистон ССР Министрлар Совети очилган пахта ҳосилини сифатли қилиб, тўлатўкис териб олишни таъминлайдиган сервунум, самарали пахта териш машинасини яратиш учун очиқ конкурс эълон этишга қарор қилди. Очиқ конкурснинг шартлари бугун тонгги газеталарда берилган.

ФИЛОСОФЛАР КЕНГАШИ

15 май куни Тошкентда «Диалектика ва ҳозирги замон илмий билиш» проблемасига бағишланган Бутуниттифоқ илмий-назарий конференция бўлиб ўтди. Конференцияда Москва, Ленинград, Новосибирск, мамлакатнинг бошқа шаҳарларидан келган таниқли олимлар иштирок этдилар. Конференцияда ҳозирги замон фалсафа фанини ривожлантиришнинг ленинча принциплари, унинг диалектик ва материалистик методологияси масалалари муҳокама қилинди.

Қабул қилинган тавсиялар социалистик онг ва билиш фанини ривожлантириш тўғрисидаги таълимотни такомиллаштиришни кўзда тутади. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БЮРОСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси навбатдаги мажлисида шу йил январь—апрель ойларида Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш якунларини кўриб чиқди. Тўрт ой мобайнида умуман республикада кўпгина кўрсаткичлар юзасидан планлар бажарилганлиги қайд этиб ўтилди. Шу билан бирга бир қанча министрликлар, бирлашмалар, корхоналар, областлар, шаҳар ва районларда белгиланган план-топшириқлар бажарилмаяпти, фойдаланилмаган резервлар ва имкониятлар, ишда хатолар ва нуқсонлар мавжуд.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси область партия комитетлари, министрликлар ва идоралар, совет, хўжалик ва жамоат ташкилотлари зиммасига халқ хўжалик тармоқлари ишидаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш ҳамда йўл қўйилган қолоқликни имкончи кварталда тугатиш, меҳнат, план интизоми, технология интизомининг аҳволи учун раҳбарларга нисбатан талабчанликни ошириш, 1984 йилги планни ва қабул қилинган социалистик мажбуриятларни сўзсиз бажариш имконини берадиган даражада ишлаб чиқариш суръатларини ўстиришни таъминлаш вазифасини юклади.

Бюро мажлисида кинофильмларнинг ғоявий-бадиий савиясини янада ошириш ва республика кинематографиясининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тўғрисидаги масала муҳокама этилди. Шу масала юзасидан қабул қилинган қарорда совет кишисининг бой маънавий дунёсини кўрсатадиган, ривожланган социализмни такомиллаштиришнинг муҳим проблемаларини ўртага қўядиган асарлар яратиш соҳасида кино ходимларининг ижодий кучларини активлаштиришга қаратилган тадбирлар комплекси кўзда тутилади. Аҳолига кино хизмати кўрсатишни яхшилаш, кинематографиянинг моддий базасини мустаҳкамлаш тадбирлари белгиланди.

Бюро Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XV пленумининг қатнашчилари айтган таклифларни, илтимослар ва танқидий мулоҳазаларни кўриб чиқиб, уларни амалга ошириш учун тегишли партия комитетларига, министрликлар ва идораларга юборди.

Қишлоқ хўжалиги учун машина ва ускуналарнинг техникавий даражаси ва сифатини янада ошириш, улардан фойдаланишни яхшилаш тўғрисида илгари қабул қилинган қарор қандай бажарилаётганлиги муҳокама қилинди. Қишлоқ хўжалик техникасининг айрим турларини ишлаб чиқариш юзасидан чора-тадбирлар кўриш зарурлигига эътибор жалб қилинди. Бюро партия ва совет органларига, тегишли министрликлар ва идораларнинг раҳбарларига қишлоқ хўжалигининг техника билан таъминланишини қатъий оширишга, колхоз ва совхозларда техникадан фойдаланишни ҳамда унинг сақланишини яхшилашга қаратилган тадбирларни амалга оширишни топширди.

Бюро партия ва хўжалик қурилишининг бошқа баъзи масалаларини кўриб чиқди, шу масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ТОШКЕНТ ОЛИЙ ПАРТИЯ МАКТАБИНИНГ КОЛЛЕКТИВИГА

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети Тошкент Олий партия мактаби Ўрта Осиё республикалари партия ва совет кадрларини тайёрлашдаги катта хизматлари учун Ватаннинг юксак мукофоти — Халқлар дўстлиги ордени билан мукофотланганлиги муносабати билан унинг профессор-ўқитувчилар составини, тингловчилари ва ходимларини қизғин табриклайди.

Тошкент Олий партия мактаби партия XII съездининг қарорларига, РКП(б) Марказий Комитетининг 1923 йил 10 августдаги қарорига мувофиқ барпо этилган Совет Шарқидаги биринчи олий партия ўқув юрти — В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Коммунистик университети (САКУ)нинг шонли анъаналарини давом эттириб, Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Афғонистон Демократик Республикаси учун раҳбар кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш катта маркази бўлиб қолди.

Тошкент Олий партия мактабини битирган кишилар Ўрта Осиё республикалари меҳнаткашларини КПСС Марказий Комитети қўйган масъулиятли вазифаларни муваффақиятли бажаришга сафарбар этиш, ривожланган социализмни такомиллаштириш, марксизм-ленинизм ғояларини, Коммунистик партия ленинча миллий сиёсати асосларини, пролетар интернационализми ва СССР халқлари дўстлиги принципларини пропаганда қилиш юзасидан катта ташкилотчилик ва сиёсий ишларни амалга оширмоқдалар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Халқлар дўстлиги орденли Тошкент Олий партия мактабининг коллективи партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь, 1984 йил февраль, апрель Пленумларининг тарихий қарорларига, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ К. У. Черненко нутқидаги қоидалар ва хулосаларга амал қилиб, юқори малакали, партия ишига содиқ кадрларни тарбиялаш борасидаги ишларни бундан буён ҳам такомиллаштириб бораверади, деб қатъий ишонч билдиради.

Ҳаммаларингизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, янгидан янги ижодий муваффақиятлар тилаймиз.

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ.

ХАЛҚ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИНГ ЮКСАК БУРЧИ

15 май куни Тошкентда халқ депутатлари қишлоқ ва посёлка Советлари ижроия комитетлари раисларининг икки кунлик республика семинари тугади. Семинар қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил апрель Пленуми, ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг биринчи сессияси қарорлари, ўртоқ К. У. Черненконинг нутқларида баён этилган кўрсатма ва тавсиялар асосида Советларнинг фаолиятини такомиллаштириш йўлларини муҳокама қилдилар.

Семинарда жамият турмушида Советларнинг ролини ошириш йўлини партия социалистик қурилишнинг ҳамма босқичларида изчиллик ва собот билан ўтказиб келаётганлиги таъкидланди. КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленуми Советларнинг омма билан алоқаларини мустаҳкамлашга, халқ ҳокимияти органларида ишлаётган коммунистларнинг ижодий ташаббуси ва активлигини ривожлантиришга янги омил бағишлади.

Бутун мамлакатда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам Советлар ижтиёрида жамиятимизни ривожлантиришга ҳар томонлама таъсир қилишнинг жуда катта имкониятлари бор. 1250 та қишлоқ ва посёлка Совети 69 минг халқ вакилини бирлаштириб турибди. Семинар қатнашчилари Советларнинг хўжалик ишларини ҳал қилишдаги ролини ошириш ҳақида гапириб, уларнинг ишини пухта планлаштириш зарурлигини уқтириб ўтдилар.

Нотиқлар Советларнинг кўплари ўзларига ҳисоб берувчи органлар ва мансабдор шахсларнинг, ўз территориясидаги ташкилот ва корхоналарнинг фаолиятини самарали равишда назорат қилиб турганликларини айтдилар. Аммо бу соҳада ҳам бирталай резервлар борлиги семинарда уқтириб ўтилди. Жумладан, қишлоқ ва посёлкаларни иқтисодий ҳамда социал жиҳатдан комплекс ривожлантиришни таъминлаш сингари муҳим масалаларда ҳокимият органларининг ҳуқуқларини кенгайтириш, уларнинг корхона ва ташкилотлар иши самарадорлигини оширишга таъсирини кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Семинар қатнашчилари маҳаллий Советларнинг фаолият доирасидаги кўпдан-кўп масалаларни тилга олдилар. Советларнинг жамоат тартибини муҳофаза қилишдаги, социал таъминот, нотариусларнинг ишлари ва гражданлик ҳолати актлари соҳасидаги қонунларни амалга оширишдаги, бюджетмолия ишини, ёшларга ҳарбий ватанпарварлик тарбиясини беришдаги, уларни Совет Армияси сафларида хизмат қилишга тайёрлаш соҳасидаги иштироки мана шу масалалар жумласига киради.

Маҳаллий Советларнинг қўшиб ёзишларга, кўзбўямачиликка қарши курашдаги вазифалари ўткир ва принципиал тарзда муҳокама қилинди.

Активлик, мустақил қарорлар чиқариш ва ҳаракатлар қилишдаги дадиллик, ўз ҳуқуқларидан давлат ва аҳоли манфаатларини кўзлаб фойдалана билиш — партиянинг Советларга, халқ депутатларига, ижроия комитетлари ходимларига нисбатан қўядиган доимий талабларидир, деб таъкидлашди нотиқлар.

Семинарда Советларнинг умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишдаги иштирокига катта эътибор берилди. Унинг қатнашчилари сўзлаган нутқларда халқ ҳокимияти органларининг бу соҳадаги, партия ва ҳукуматнинг тарбия ва таълим жараёнини такомиллаштиришга, педагог кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилашга оид тадбирлари қандай бажарилаётганлигини контрол қилишдаги фаолиятини кучайтириш йўллари кўриб чиқилди.

Семинарда қишлоқ ва посёлка Советларининг амалий иш тажрибаси батафсил ўртоқлашилди.

(ЎзТАГ).

АВТОТРАНСПОРТДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНАЙЛИК

Шаҳар халқ контроли комитетлари халқ контроли группалари раислари ва штатсиз активларининг семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Унда автотранспорт воситаларидан халқ хўжалигида фойдаланиш самарадорлигини ошириш, автотранспортда юк ташишда ошириб ёзишларга қарши курашни кучайтириш ва ёнилғи-мойлаш материалларини сақланишини таъминлаш бўйича вазифалар муҳокама этилди.

Семинар-кенгаш шаҳар халқ контроли комитетининг масъул ходимлари сўзга чиқишди.

Шаҳардаги қатор автотранспорт корхоналари халқ контроли группаларининг раислари ижобий иш тажрибаларини ўртоқлашдилар.

ПАРТИЯ ИШИ — БУТУН ХАЛҚ ИШИ

18 май куни республика ва унинг пойтахтидаги барча меҳнат коллективларида ўтадиган ягона сиёсий кунниинг мавзуи ана шундай. Бугун Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетида кенгаш бўлди. Унда сиёсий докладчилар, ягона сиёсий кун қатнашчилари билан ана шу муҳим тадбирга тайёргарлик масалалари муҳокама қилинди. Кенгашни докладчилар группасининг раҳбари Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров олиб борди.

Жонли, қизиқарли суҳбат чоғида КПСС Марказий Комитетининг апрель (1984 йил) Пленуми, ўн биринчи чақириқ СССР Олий Совети биринчи сессиясининг якунларига, партия ва ҳукуматимизнинг энг муҳим қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларга алоҳида эътибор берилди.

Сиёсий докладчилар билан ана шундай учрашувлар шаҳарнинг барча район партия комитетларида бўлиб ўтди.

Ш У КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда:

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида республика почтальонларининг конкурси бўлиб ўтди. Бундан олдин республика областлари конкурсларида ғолибликни эгаллаган 13 киши бу ерда Ўзбекистон биринчилиги учун беллашди. Улар амалий ва назарий топшириқларни бажаришди. Ҳозирда Тошкент шаҳрида 1 мингдан зиёд почтальон ишламоқда.

ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 19 даража иссиқ бўлди. Шу кеча-кундузда ҳаво бироз булутланиб туради, қисқа муддатли ёмғир ёғади, кечаси 8—13, кундузи 22—27 даража иссиқ бўлади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎРТОҚ Р. АБДУЛЛАЕВни ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕВА-САБЗАВОТ ХЎЖАЛИГИ МИНИСТРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:** Ўртоқ Раҳматулла **Абдуллаев** Ўзбекистон ССР мева-сабзавот хўжалиги министри этиб тайинлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси О. САЛИМОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри, 1984 йил 15 май.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Ўрта Осиё республикаларига партия ва совет кадрларини тайёрлаш соҳасидаги самарали ишлари учун Тошкент Олий партия мактабининг кафедра раҳбари ўртоқ Рамзи Валиевич **Шамсутдиновга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган экономист» фахрий унвони,** шу мактабнинг сиртқи таълим ректори ўртоқ Мария Константиновна **Гундарцевага «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берди.**

Тошкент Олий партия мактаби ўқитувчилари ва ходимларидан бир группаси Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

ЮБИЛЕЙГА БАҒИШЛАНАДИ

МОСКВА, 15 май (ЎзТАГ мухбири). Халқ маорифи эришган муваффақиятлар совет республикалари қардошлик оиласида Ўзбекистон равнақ топаётганлигининг яққол далилидир. Бугун СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида очилган «Ўзбекистон ССРнинг олий ва ўрта махсус ўқув юртлари — мамлакат халқ хўжалигига» виставкасининг экспонатлари шуни яққол кўрсатиб турибди. Виставка Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган.

Экспозицияда студентлар ва техникумлар ҳамда бинойи юртларининг ўқувчилари қўли билан яратилган ишлар ўзига яқин ишлайдиган установкалар, приборлар, мураккаб аппаратлар, шунингдек юзлаб фотосуратлар республиканинг олий ва махсус ўрта мактабларида фан ва техника кўп томонлама ривож топганлигининг зўр таассурот қолдирадиган манзарасини вужудга келтиради. Лазерли видеотелефон, телевизион микроскоп, замонавий композицион материаллар, бошқа техник янгиликлар ёшлар ижодий зафарларининг маҳсули бўлиб, улар мамлакат халқ хўжалигида қўлланиляпти.

Машҳур «Илм-фан поезди» тўғрисида ҳикоя қилувчи материаллар виставка томошабинлари эътиборини жалб қилди. 1920 йил шу поездда Москва ва Петрограддан профессор ва муаллимлар катта группаси Тошкентга келган эдилар ва улар В. И. Ленининг Декретига мувофиқ Тошкентда барпо этилган давлат университетининг тўнғич педагоглари бўлгандилар. Улуғ Октябргача олий таълим системаси бўлмаган Ўзбекистон эндиликда юқори малакали мутахассислар тайёрлаш соҳасида эришган ютуқларини ифтихор билан намойиш этмоқда.

Виставка очилишига бағишланган тантанали маросимда СССР Олий ва ўрта махсус таълим министри В. П. Елютин, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. У. Султонова нутқ сўзладилар.

Абдулла Қодирийга бағишланди

Ўзбекистон жамоатчилиги ўзбек совет адабиётида роман жанрининг асосчиси ёзувчи Абдулла Қодирий туғилган кунининг 90 йиллигини нишонлади. 15 май куни Тошкентда А. Қодирийга бағишланган тантанали кеча бўлди. Кечани Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони К. Яшин кириш нутқи сўзлаб очди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси И. Султонов биринчи ўзбек совет тарихий романи «Ўтган кунлар», китобхонларга ғоят манзур бўлган бошқа асарлар муаллифи тўғрисида гапирди. Кечада Москва, қардош республикаларнинг адиблари сўзга чиқдилар.

(ЎзТАГ).

ЮБИЛЕЙ СЕССИЯСИ

Ўрта Осиёдаги энг кўҳна илмий муассаса — Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли Астрономия институти ташкил этилганига бир юз ўн йил бўлди. Тошкент астрономия ва физика обсерваториялари негизида тузилган шу институт ташкил этилганидан буён ўтган йиллар мобайнида катта назарий ва амалий аҳамиятга молик кўпгина муҳим тадқиқотлар ўтказди. Ҳозирги вақтда фундаментал илмий йўналишлар ривожланиб бормоқда. Бу илмий йўналишлар ҳозирги замон космологияси проблемаларини ҳал этишга сезиларли ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Жумладан, Қуёшда, юлдузларда ва галактика ядроларида рўй бераётган жараёнлар ўрганилмоқда. Институт Галлея кометаси Ерга энг яқинлашган даврда уни кузатишнинг мувофиқлаштирилган программаларини ижро этувчилардан бири бўлиб қолди.

15 май куни институтда бошланган илмий сессия юбилейга бағишланди. Сессия ишида Грузия ССР Фанлар академиясининг президенти, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Е. К. Харадзе, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзолари С. С. Лавров, А. А. Боярчук ва мамлакатнинг бошқа таниқли олимлари иштирок этмоқдалар.

Сессияда ҳозирги замон астрономиясининг ва астрофизикасининг актуал масалалари, Ердан кузатишлар вақтида ҳам, шунингдек аэростатлар ва йўлдошлар ёрдами билан олиб борилган кузатишлар вақтида ҳам шу соҳада эришилган сўнгги ютуқлар, шу фанни ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинмоқда.

(ЎзТАГ)..

• МАҲСУЛОТ СИФАТИ—КОРХОНА КЎЗГУСИ

Тадбирлар самараси

Кенг истеъмол буюмларини кўплаб миқдорда ҳамда аъло сифатли қилиб ишлаб чиқаришга йилдан-йилга катта эътибор берилмоқда. Коммунистик партия бу борада залворли чора тадбирларни белгилаб, КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1983 йил) Пленуми саноатда меҳнат унумдорлигини пландан ташқари 1 процент ошириш, маҳсулот таннархини 0,5 процент арзонлаштириш вазифасини қўйди.

Ҳозирги кунда ҳар бир саноат корхонаси коллективи ушбу муҳим вазифани муваффақият билан бажариш учун курашмоқда. Натижада ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлиги ошмоқда, сифатли маҳсулотлар салмоғи кўпаймоқда.

Шаҳримиздаги қатор корхона ва бирлашмалар юқори техник кўрсаткичли маҳсулотлар ишлаб чиқаришда бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар. Жумладан, «Ташэлектромаш», агрегат, «Компрессор» ва экскаватор заводларида фахрли беш қиррали белги билан маҳсулот ишлаб чиқариш умумий салмоғи 70—90 процентни ташкил этмоқда. «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида бу кўрсаткич 63,7, «Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмасида 56,0, Охунбобоев номидаги бош кийимлар фабрикасида 55,2, Модалар уйида эса 62,2 процентни ташкил этади.

Шаҳримиз саноат корхоналаридан 137 таси ишлаб чиқаришда маҳсулот сифатини комплекс бошқариш системасини жорий этган. Шу кунларда Тошкент саноат корхоналаридан 61 тасининг 966 хил буюми Давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилмоқда. 1984 йилнинг бошидан бери 100 хилга яқин буюмга фахрли белги берилди. Шундан 93 хили кенг истеъмол буюмларидир.

Март-апрель ойлари давомида шаҳримиз саноат корхоналарида тайёрланган маҳсулотлардан 42 тасига фахрли белги берилди. Шундан 41 хили кенг истеъмол буюмларидир. Булар Тошкент чинни заводи, «Ма-лика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Таштекстильмаш» заводи сингари корхоналарда тайёрланган маҳсулотлардир.

Ошхона ва бошқа мебеллар заводининг ишга туширилганига кўп бўлгани йўқ. Қисқа вақт ичида бу заводда тайёрланган маҳсулотларга бўлган талаб кучайди. Яқинда ана шу корхонанинг «Салют» ошхона мебели ҳамда китоб жавони маҳсулотларига давлат Сифат белгиси берилди.

Корхонада маҳсулот сифатини комплекс бошқариш системаси жорий қилинган. Айни пайтда эса аҳил коллектив Днепропетровск ва Краснодар ўлкаси саноат корхоналарининг иш тажрибаларини ўзлаштириш устида иш олиб бормоқда. Корхонада комплекс система жорий қилингандан бери брак маҳсулот ишлаб чиқариш камайди. Кейинги икки йил ичида 20 хилдан ортиқ янги хил мебель турлари ўзлаштирилди. Бир қанча корхона стандартлари ишлаб чиқилди. Заводнинг илғор ишчилари ёшларга ўз иш услубларини ўргатмоқдалар. В. Лутков, Х. Йўлдошев, З. Қосимов, В. Золин каби ёшлар план-топшириқлар ни ортиғи билан бажариб, фақат сифатли маҳсулот тайёрлашга эришишмоқда.

Зеро, сифат ва самарадорлик масаласи бугунги муҳим вазифалардан биридир. Шаҳримиз корхоналарининг коллективлари зўр ғайрат-шижоат кўрсатиб, республикамизнинг шонли 60 йиллик юбилейини катта сифат кўрсаткичлари билан пешвоз олишларига ишонамиз.

Г. ВОҲИДОВА,
Ўзбекистон ССР Давлат стандартлар бошқармаси ходими.

МЕҲНАТИНГ—ЗИЙНАТИНГ

РАЪНОНИНГ ОМАДИ

ЁКИ ЙЎЛОВЧИ ФАҚАТ ПУЛ ТЎЛОВЧИМИ?



Автобус бекатда тўхтаб турарди. Кимдир илтимос қилди:

— Орқа эшикни ҳам очинг, ёш бола тушмоқчи.

— Олдинга ўтсин,— деди ҳайдовчи кескин.

Ишга шошиб турган йўловчилар баҳслашиб ўтирмай елкасига сумка осиб олган ўқувчи болага йўл беришди. У тиқилинч одам орасидан аранг ўтиб бориб ҳайдовчига билетини кўрсатди ва эшикдан тушди. Бизда ҳатто болалар ҳам бундай пайтда зиқна ҳайдовчиларга миқ этишмайди. Ўрганиб қолишган.

Йигитча иккинчи ё учинчи синфда ўқиса керак. Шубҳасиз, муаллими кунда уларга одоб, одамийлик ҳақида куйиниб дарс беради. Турмуш ҳодисаларидан мисоллар келтиради, ибратли мақоллар айтади. Аммо шундай кез энди бу ўқувчи бола истайди-йўқми ҳалиги ҳайдовчини эслайди. Унинг ғўштдор юзи, такаббур қиёфаси ва кўзларида йилтираб турган таъмани эслайди. Эслади-ю, дарсда эснаб ўтиради...

Редакция топшириғи билан Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-илғор цехининг ёш, лекин энг моҳир ва меҳнатсевар тикувчиларидан бири ҳақида мақола ёзишга бораётиб шоҳиди бўлганимиз — юқоридаги воқеани қаҳрамонимизнинг ўзига сўзлаб бердик. Раъно жим эди. Етти йил кунига эрталаб ва кечқурун автобусда ишга бориб, ишдан қайтиб юриб, шунга ўхшаган қанча воқеанинг шоҳиди бўлмаган дейсиз. Лекин у жим эди. Афтидан бу кўнгилсиз мавзуда-ги суҳбатни истамаётган эди.

Омад ҳам одам танлайди, дейишади. Бекор гап. Агар шундай бўлган тақдирда ҳам ҳеч нарса ўзгариб қолмади. Чунки омад ўз йўлига. Инсон ҳаёти фақат омад билангина ўлчанмайди.

Тикувчи Раъно Хожиматовани ҳам жуда омадли, деб бўлмайди. Мактабни аъло баҳолар билан битирган, лекин ўзи орзу қилган илм дарғоҳига кириб ўқиш унга насиб этмаган. У ерга ҳатто ҳужжатларини ҳам топширолмаган. Омади юришмаган-да, дерсиз. Йўқ. Бунинг бошқа сабаби бўлган. Оилавий шароити йўл қўймаган бунга. Лекин Раъно меҳнатда бахтини топганлардан. Астойдил меҳнат қилиб, тенгқурлари ҳурматини қозонган, мураббийлари ишончини оқлаган, бирлашманинг энг илғор тикувчилари билан беллашиб, коллектив эъзозини топган. Демак, Раънонинг омади меҳнат экан.

2-тикув цехининг смена мастери Н. Шуина унинг ҳақида ўзидан бол томиб гапиради:

— Жуссасини қаранг. Нозиккина шу қизнинг юрагида шундай бир ёлқин борки, одамнинг ҳаваси келади. Ўзингиз ўйлаб кўринг, танимаган кишига шу миқтисина қиз моҳир тикувчи экани, кунлик план-топшириқларини 140—150 процент қилиб адо этаётганини айтсангиз ҳеч ишонмайди. Одамлар шунга ўрганиб қолишган. Ҳамма нарсанинг ўз ўлчов, мезони бор. Биров бир қўлда бажарадиган ишни бўлак одам жуфт қўллаб ҳам эплай олмайди, дейишади. Ҳолбуки, бу нотўғри фикр. Бунга далил керак бўлса мана марҳамат. Раънонинг ўзи далил.

2-тикув цехи бирлашмада энг илғор коллективлардан. Цех бошлиғи А. Кузьминанинг айтишича бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолаверади. Сабаби коллективда меҳнат интизоми талаб даражасида. Раънога ўхшаган тикувчи қизларнинг мақсад-тилаклари бир, тўққизлар ташаббусига қўшилган «шўх қизлар» Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейигача беш йиллик планни ортиги билан адо этишга аҳд қилишган. Тайёрлаётган костюмлари сифатли ва бежирим чиқаётганидан уларнинг ўзлари манфаатдор.

Раъно Хожиматова Киров районидаги 12-ўрта мактабни битирган. Тез-тез қадрдон мактаби, муаллимлари ҳузурига бориб туради. Улар собиқ ўқувчилари ни, кунлик план-топшириқларини 140—150 процент қилиб адо этаётганини айтсангиз ҳеч ишонмайди. Одамлар шунга ўрганиб қолишган. Ҳамма нарсанинг ўз ўлчов, мезони бор. Биров бир қўлда бажарадиган ишни бўлак одам жуфт қўллаб ҳам эплай олмайди, дейишади. Ҳолбуки, бу нотўғри фикр. Бунга далил керак бўлса мана марҳамат. Раънонинг ўзи далил.

Одами эрсанг демагил одами,
Они ким йўқ халқ ғамидин ғами...

Биз беихтиёр яна Раънони эсладик. Қатнов графигига амал қилмай, билет бермай пул йиғиб юрган чўнтаги чуқур ҳайдовчилардан ранжиб редакцияга хат йўллаган оқшомхонларни эсладик. Ва йўл-йўлакай ўз-ўзидан жиддий бир савол туғилди: Пассажир транспорти корхоналари, хусусан автобус паркларида ҳайдовчи ва йўловчи муносабатига оид суҳбатлар ҳам ўтказилармикин? Агар шундай бўлса нега ҳайдовчиларнинг аксарияти одамларга муомала қилишни билишмайди?

Йўловчи фақат пул тўловчи эмас. У энг аввало инсон. Раъно Хожиматовага ўхшаб кунлик план-топшириқларини 140—150 процент қилиб адо этиб келаётган эзгу мақсадли инсон.

М. ЮСУПОВ,
С. САИДОВ.



ЎН ТЎРТ ЙИЛЛИК САБР

1968 йилда телефон ўтказиб беришларини сўраб Чилонзор район АТСига ариза бергандик. Мана, энди ўн тўрт йилки натижасини суриштириб шаҳар, район телефон тармоқлари бошқармаларига қатнаб юрибмиз. Узим қатнайвериб ҳеч ишим битмагач, ҳозир иккита ўғлим ҳам менга «ёрдамлашишмоқда». Аммо натижа ўша-ўша.

Ўтган йилн шаҳар журналистлар ташкилотидан шаҳар телефон тармоқлари Бош бошқармаси бошлиғи ўртоқ А. Алимбоев номига махсус хат ёздириб бордик. Аммо у ердаги навбатчи қиз ҳамон борсак елка қисиб кутиб оладн. «Сабр қилинг», дейди. Ўн тўрт йилдан буён сабр қилиб келдик, энди буёғига яна қанча сабр қилиш керак!!

Т. НАЖМИЙ,
СССР Журналистлар союзининг аъзоси, шахсий пенсионер.

ТАКЛИФ ҚОҒОЗИНИ КУТИБ...

Бундан роса ўн бир йил бурун уйимга телефон ўрнатиб беришларини сўраб Тошкент шаҳар телефон тармоқлари Бош бошқармасига ариза бергандим. У ерга ҳар сафар борсам: «Овора бўлиб юрманг, ўзимиз таклиф қоғозини юборамиз», деб изимга қайтаришади. Мана орадан шунча йил ўтди. Бу орада уйланиб, тўртта фарзанд кўрдим, бироқ уйимга битта телефон туширолмадим.

Бошқарма 11 йил ичида уч жойга кўчди. Лекин у ерга яқинда борсам яна жавоб ўша: таклиф қоғозини кутинг дейишди. Энди нима қилсам экан!

А. АСҚАРХЎЖАЕВ,
Мевазор кўчаси, 14-уй.

КИМГА ЗАРУР, КИМГА ДАБДАБА УЧУН

Киров район телефон тармоқлари идораси ходимлари мени яхши танишади. Чунки 1976 йилдан бери бу идорага бўзчининг мокисидек қатнаб юраман. Улар эса ҳар гал борганимда «Яна келдингми» дегандек қош учириб қўйиб, иш билан банд ўтиришаверишади.

Турмуш ўртоғим касалманд, болаларим жуда ёш, телефон хизматига муҳтожмиз. Идорада ўтирган амакиларимиз уйларига телефон ўрнатиб беришда оилавий шароитни ҳам ҳисобга олиб иш тутсалар чакки бўлмасди. Ҳеч кимга сир эмас, айрим оилаларга телефон шунчаки дабдаба учун керак. Ҳар ҳолда саккиз йилда бир кишига навбат тегмаса бу энди инсофдан эмас.

М. ШОАЗИМОВА,
Уста Ширин кўчаси, 50-уй.

ҚАЧОНГАЧА?

Телефонсиз яшаш мумкин, албатта. Лекин менинг ёшим етмишдан ошиб тез-тез касалга чалиниб туришим сабабли болаларим телефонга ариза берайлик дейишганида йўқ демадим. Узимни ҳам, уларни ҳам авайладим. Аризани ёзиб топширганимизга тўрт йил бўлганида 77-АТС дан бир киши келиб уйимизни кўриб, телефон ўрнатса бўлади деб кетди. Шу-шу ундан дарак йўқ...

А. ЗУФАРОВ,
Қўшчинор кўчаси, 10-уй.

ЁЛҒОН ВАЪДАЛАР

Бундан роппа-роса 10 йил бурун уйимга телефон ўрнатиб беришларини сўраб шаҳар АТСига ариза бердим. Шундан буён бу идорага мунтазам қатнаб, суриштирибгина тураман. Қўйнинг пуч ёнғоқ — ёлғон ваъдаларга кўмилиб кетди. Лекин телефондан дарак йўқ.

Менинг 8 та фарзандим, 3 та келиним ва невараларим бор. Ҳаммамиз бир ҳовлида яшаймиз. Телефон бизга ҳашамат учун керак эмас. Шаҳар АТСи раҳбарлари эса бунн тушунишни исташмаяпти. Яна қанча кутиш мумкин!

Ғ. МАҲМУДЖОНОВ,
Бердақ кўчаси, 34-уй.

ГОҲ УЗИЛАДИ, ГОҲ БУЗИЛАДИ

Телефон ўрнатиш учун идорама-идора юзим сарғайиб юрган кунларда «Бу кунлар ҳали ёдимдан чиқиб кетар» деб ўзимни овутардим. Беминнат дастёр узоғимни яқин қилишинн ўйлаб сарсонгарчиликка чидагандим. Аммо бу ҳолва экан. Энди телефонимиз тез-тез узилиб, бузилиб турадн. Узилиб қолган кунларн тўлов қоғозини кўтариб шаҳарлараро гаплашув станцияси, Шевченко номли кўчадаги шунга ўхшаш идорага бориб қарзимиз йўқлигини исботлаймиз, бузилиб қолса Киров район АТСнга мурожаат қилиб сарсон бўламиз. Лекин уларнинг бирн қарзингиз борлнги учун узишган, дейди, бошқаси «Бизлан қарз эмассиз», — дейди. Ҳозир телефонимиз умуман ишламайди. Биз эса нима қилишга қайроимиз. Тузаттирсак узиб қўйишади, улатсак бузилиб қолади.

З. НУРИДДИНОВ,
Улуғ Ватан уруши ветерани, Аширов кўчаси, 11-уй.

РЕДАКЦИЯДАН: Октябрь районидаги 1-Денов кўчаси, 20-уйда яшовчи Улуғ Ватан уруши инвалиди Ю. Аҳадов, Киров районидаги Отчопар кўчаси, 11-уйда истиқомат қилувчи Улуғ Ватан уруши иштирокчиси Ғ. Тожиев ва Ҳамза район Балиманов кўчаси, 58-уйда яшовчи хизматчи А. Жамоловлар ўн йиллаб уйига телефон ўрнатолмай сарсон бўлишаётганини эзиштирган. Редакция Тошкент шаҳар телефон тармоқларн Бош бошқармаси раҳбарларидан юқорида кўрсатилган нуқсоларни бартараф этиш бўйнча аниқ жавоб кутади.



Нафиса Эргашева Тошкент тўқимачилик комбинатининг ёш ишчиларидан саналади. Унинг 2-нп йигирув фабрикасида меҳнат қилаётганига ҳали кўп вақт бўлганн йўқ. Нафиса уқувлн, чаққон ва меҳнатсеварлнги туфайли устоз ишчилар кўмагида қисқа вақтда йигирувчилнк касбини пухта ўрганиб олди. У шу кунларда нормадагидан анча юқорн эичликда ишлаб, смена топшириқларнни мунтазам ортиғи билан адо этмоқда.

СУРАТДА: илғор йигирувчи Нафиса Эргашева.

Х. Мирзакаримов фотоси.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ДА БОСИЛГАНДАН КЕЙИН

«ОДАМИГА ҚАРАБ»

Газетанинг шу йнл 4 апрель сонида юқоридаги сарлавҳа остида танқндий хат босилиб, унда 20-магазиндаги тартибсизликлар танқид қилинган эди. Редакция ана шу мақола юзасидан Акмал Икромов райпишчеторги директори Х. Каримовдан қуйидаги жавобни олди.

Шу йнл 5 апрелда сн бўлимининг барча район озиқ-овқат савдо-

иштирокида ўтказилган йнғилишда газетада босилган мақола кўриб чиқилди. 20-магазин директорн Н. Назарова-га қисқа муддат ичида магазиндаги тартибсизликларга барҳам бериш вазифаси топширилди.

Район озиқ-овқат савдоси бўлимида кўрсатилган камчиликларнн йўқотиш юзасидан конкрет тадбирлар ишлаб чиқилди. Бундан ташқари ташкилий бўлимга 20-магазиннн ҳамиша назорат қилиб турнш вазифаси топширилди.

«ЎЗБОШИМЧА ШОФЁР»

Газетанинг шу йил 2 апрель сонида юқоридаги сарлавҳа остида танқндий мақола берилиб, унда 2-маршрутли такси корхонасининг ҳайдовчнси М. Ҳайдаровнинг йўловчилар билан қўпол муносабатда бўлганлигн танқид қилинган эди. Редакция ана шу мақола юзасидан корхона директорн Ф. Парпи-хўжаев имзоси билан қуйидаги жавобни олди.

Ҳайдовчн М. Ҳайдаров йўловчиларга қилган қўпол муомаласи учун 2-маршрутлн такси корхонасининг шу йнл 11 апрелда чиқарган 60-буйруғнга асосан уч ой муддатга машина ҳайдашдан маҳрум этнлиб, ойлнги кам нша ўтказилди. Автобус станцнсининг бошлнғи А. Тошпўлатов қаттиқ огоҳлантирилди.

Маршрут ишини назорат қилиш вазифаси корхона директори ўринбосарн Р. Файзуллаевга топширилди.

2 БЕТ ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

16 МАЙ, 1984 й.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

БИРЛАШМА ШУҲРАТИ

ПРАГА. Чехословакия пойтахтидаги «Ковослужба» бирлашмаси прагаликларга ва меҳмонларга ғоят манзур бўлмоқда. Бирлашманинг кўпгина филиаллари рўзғор техникасини ремонт қилиш билан шуғулланмоқда. Бу ерда электр устарадан тортиб то кир ювиш машиналаригача турли асбобларни тез ва сифатли тузатиш мумкин. «Ковослужба» бирлашмасининг корхоналарида буюртмачиларнинг фикрига асосланиб бажарилаётган ишлар сифати устидан яхши назорат ташкил этилган, мижозларнинг истак ва мулоҳазалари мунтазам инобатга олинади. Мутахассислар ана шу истак-мулоҳазалар и н и таҳлил қилиб, аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш юзасидан тадбирлар планини ишлаб чиқадилар. Йил давомида биргина Праганинг ўзида ҳар икки кишидан бири «Ковослужба» хизматига мурожаат қилмоқда.




ЧССР. Китоб болалар характернни шакллантиришда катта роль ўйнайди. СУРАТДА: Прагадаги янги турар жой микрорайонига болалар китоб-лариннинг кўчма магазини келди. **ЧТК—ТАСС** фотоси.

* * *

Германия Демократик республикасн бу йил ўзининг 35 йиллигини нишонлайди. Бу суратлар бугунги Берлиннинг — республиканинг йирик саноат ва илмий-маданий маркази тўғрисида тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради.

СУРАТДА: янги турар жойлар қад кўтармоқда.

АДН—ТАСС фотоси.



МУСТАҲКАМ ТАЯНЧ

СОФИЯ. Пловдив шаҳрида заводлараро кооператив ёрдамчи хўжалик ташкил этилганлиги шаҳар саноат корхоналарини асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашнинг самарали формаси бўлди. Бу —БКП ва БХР ҳукуматининг округлар ўзини-ўзи озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаши тўғрисидаги қарорларига мувофиқ ташкил этилган мамлакатда биринчи хўжаликдир. Шаҳардаги 23 та йирик корхона мана шу ёрдамчи хўжаликка аъзо бўлди. Хўжалик ишлай бошлагандан бери ўтган уч йил натижалари озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўз кучлари билан ташкил этиш катта истиқболга эга эканлигидан далолат беради.

Ёрдамчи хўжаликни ташкил этишда ишни нолдан бошладик, деб ҳикоя қилади унинг директори А. М. Монолов. Корхоналарнинг маблағлари ҳисобига бир қанча эски бинолар ремонт қилинди ва чўчқачилик фермаларига айлантирилди, қорамоллар учун молхоналар қурилди, округ халқ кенгаши ажратиб берган ерларда агротехника ишлари ўтказилди. Тажрибали чорвадорларни танлаб олиш, шунингдек қатъий иқтисодий асосда ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун кўп куч-ғайрат талаб қилинди.

Хўжалик қисқа муддат ичида барқарор ва рентабел бўлиб қолди. Социал самара ҳам катта аҳамиятга эгадир, дейди А. Монолов. Ишчиларнинг ошхоналари йил бўйи арзон гўшт, сабзавот ва мева билан таъминланди, таом турлари кўпайтирилди. Ҳозирги вақтда хўжалигимизга мамлакатнинг турли шаҳарларидан меҳнат коллективларининг вакиллари тажриба ўрганиш учун келиб турибдилар. Кўпгина корхоналар кооператив ёрдамчи хўжалик аъзоси бўлиш истагини билдирмоқдалар.

ИҚТИСОДИЙ РАЙОНЛАР

ХАНОЙ. Вьетнамдаги янги иқтисодий районларнинг аҳолиси йил бошидан буён 90 мингдан кўпроқ киши ортди. Республика харитасида чўлқуварларнинг ўнлаб посёлкалари пайдо бўлди.

Вьетнам коммунистик партияси ишлаб чиққан янги иқтисодий районлар ташкил этиш программаси мамлакатнинг бой табиий ва меҳнат ресурсларидан тўлароқ ва оқилона фойдаланишга қаратилгандир. Шу программа доирасида республиканинг аҳолиси зич яшайдиган текисликдаги вилоятлари ва шаҳарлари аҳолиси истиқболли тоғ этаги ва тоғли районларга кўчиб бормоқдалар. Улар бу ерда асосан қимматли тропик экинлар:гевея, кофе, турли мевалар етиштириш билан шуғулланадиган катта-катта давлат хўжаликлари ва кооперативлар ташкил этмоқдалар. Шундай қилиб, қўриқ ерлар алмашлаб экишга киритилмоқда, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш кўпайиб бормоқда. Янги иқтисодий районлар асосан «Вьетнам томи» деб аталган Тэйнгуен ясси тоғида ташкил этилмоқда.

МАШИНАСОЗЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

БУДАПЕШТ. Дьердаги озуқа тайёрлайдиган ва ем-хашак йиғиштирадиган машиналар заводида ўт ўрадиган машиналар учун эллик мингинчи адаптер йиғилди. Дьердаги завод ГДРдаги Фортшрит қишлоқ хўжалик комбинати билан 10 йилдан бери ишлаб чиқариш кооперацияси-да қатнашмоқда. Комбинатга етказиб берилаётган комплектловчи буюмлар ўрнига Венгрия серунум ўриш машиналари ва комбайнларни олмоқда.

ФОТОКАЛЕЙДОСКОП

Бу Малайзия филнинг омади келмади. У иккн дарахт орасида сиқилиб қолди. Бу ерда янги ГЭС ишга туширилишн муносабатн билан бу жониворларнн бошқа жойга кўчиришга тўғри келмоқда.

СУРАТДА: махсус овчилар командаси филнн қутқармоқда.

АП—ТАСС телефотоси.



ҚАМОҚХОНАЛАРДА РОБОТЛАР

Яқин кунлар Америкадаги бир қамоқхоналарига роботлар ўрнатиш ларнмоқда. Ган бу роботлар ҳудуз кундалигини назорат қилиб Агар қайси бир қамоқхонадан жазм этса, роботлар билан суғорилади. «Сизнинг фикрингиз аллақачон ташқарига маълум». Ҳозирн янада шубҳа қўймаслик учун фикрдан воз кечинг, маъқул». Бундан белгиланган ларга бу роботлар ўрнатилиши бу хизматчиларнинг нечтасини қисқартнрнмконнятнки ҳақ дн, деб хабар Парижда чиқадиган берасьон» газетаси.

«ХИЗМАТ ҲАҚИ» ЭМИШ

Анъанага кўра, Вантонининг собнк арбобларн ўз партиясининг сайловолд панжяларида ватан шадилар. Бу экспрезидент Дж. Ҳам кўз юмоқчи «Ньюсуик» журнали қайд этишича, у шу нинг кузида ўтказиган сайловларда ролнка номзодларни лаб-қувватлашга нидил вазда Лекин у бу учун ўз 200 доллар «хизмат ҳақи» тн, холос.

ҚЎРҒАЗМА ОЧИЛ

Туркия пойтахтида змлма хон қазиб олиш корхоналарида рув ашёлари ва хавфсизлигини троль қилиш асбоқўрғазмаси Кўрғазмани иттифоқ «Машинторг» ташқи бирлашмаси ташкил ган.

Ғоят пишиқлиги ажралиб турган ускуналари савдо-саноат ва мутахассислар диққат-эътиборини ҳол ўзига жалб Чунки Туркия ва шахталарда хавфсизлигини лаш проблемаси ўткир бўлиб қолмоқда. Статистика маълларнга кўра, саноат корхоналари ва шахталарда лн бир мингга яқш халок бўлмоқда. Туркия ана шу да авариялар ва бонлар сонн жиҳатдан бирнни турибди.

ВЕРТОЛЁТ АВАРИЯГА УЧРАДИ

Финляндиянинг Хелнинна шаҳри устида минбарларн устида толёт авариядан ўтказилгн натижасида 23 дан зиёд ки роҳатланди. Стадион автоспорт бўйича бақалар ўтказилган эди. Спортга қизиққан бир кўпроқ томошабин стадион узра учиб раётган вертолёт ларнинг эътибор Лекин кутилмаган содир бўлди: осмо жуда қаттиқ эшитилди. Вертолёт ёнаётган парчалари динонга қулаб тушди. Фалокат оқибатида аниқланмоқда.

АРХЕОЛОГИЯ МУЗЕЙ-ИБОДАТХОНА

Непал пойтахтнда маъмурлари кўчиқоқ ўртасида археолог музей-ибодатхона ташга қарор қилдилар. Чунки бу ерда дастлаки ер ости кўчаларн қазиш чоғида ноёб тўсатдан Непалда ҳеч навнй булоқ ва бу олти юз йил Ража Малла қурдирган давридда қурилган чўмилиш хонасининг га ўйилган диний белларн бутун бир галерн сини топдилар. Ҳозирги ғоят қимматли ва ноёб ратлар унутиб қолган ва шу кунларда серкатнов асфальт раҳа остида ҳолда ган.

Археологлар, лар, қадимги ёдгорликларни сақлаш ҳамда ларни шу жойда ер йўлаги қурнш ташкил тўхтатилишнни, нинг ёдгорликлари ланишн ва таъмир лишнни талаб қилдилар. Шу қазишма музей-ибодатхона по этнлади, деди шоҳ мақкамасининг Камол Читракар.

Саломатлик ҳақида суҳбатлар

● СОҒЛИҒИНГИЗ ЎЗ ҚЎЛИНГИЗДА

ГИППОКРАТ БИЛАН... СУҲБАТ

Соғлиқни сақлашда профилактиканинг аҳамияти ҳақида кўп ва кенг кўламда кашф этилган гап эмас. Қадимги Юнонистон ва Римда ҳам шундай қоидалар ишлаб чиқилган. Масалан, Римда ҳар бир фуқаро ўзи учун қулай бўлган машғулотни — югуриш, ёки ақлий меҳнат — бўлсин, танлаб олиши керак эди. Қадимги врач В. Николаев ўртасида шундай суҳбат бўлиши табиий эди. Биз эса буюк врачнинг машҳур фикрларидан фойдаландик холос.

— Гиппократ кам ҳаракат қилишга мажбур бўлган кишиларга жисмоний машғулотларнинг қандай программасини тавсия этади?

—Бундай кишилар... кўп ва турли хил машқларни бажаришлари керак: югуришни аста-секин бошлаб, кейин кучайтириб бориш керак, курашни... енгил машқлардан бошлаш ва мураккаблаштириб бориш; машқлардан кейин тез юриб сайр қилиш, тушликдан кейин оҳиста юриб кезиш; эрталаб узоқ машқ қилиш, яъни оҳиста қадамлар билан бошлаб, юришни тезлаштириш ва яна майда қадамлар билан тугаллаш лозим.

Гимнастика билан шуғулланувчилар учун қишда югуриш ва кураш тушиш, ёзда эса камроқ кураш тушиш... аммо кўпроқ салқин жойда сайр қилиш лозим. Югуришдан чарчайдиганлар кураш тушишлари, курашдан чарчайдиганлар югуришлари керак. Чунки шундай қилганда гавданинг меҳнатдан ҳориган бирор қисми қизишиши, мустаҳкамланиб; дам олиши мумкин...

— Чиниқиш, жумладан, совуқ воситасида чиниқишнинг фойдаси ҳақидаги фикрингизни билишни истардик.

— Ким ўзини кўпинча иссиқда сақласа, унда қуйидаги салбий жараёнлар рўй беради: мускуллар нозиклашади, асаблар кучсизланади, ақл ўтмаслашади, бурундан қон оқиши, ҳуш оғиши рўй беради.

Баданни совуққа чиниқтиришдан чўчимаслик керак. Аммо овқат ва машқлардан кейин эмас, балки эрталабки сайр пайтида, яъни гавда ҳали қизимаган чоғда, югуриш давомида ва бошқа ҳолларда совуқда чиниқиш мумкин. Албатта, ҳамиша меъёрга риоя қилиш керак.

— Совуқ фойдали бўлса, бугли ҳаммом зарарли эмасми?

— Оч пайтда қабул қилинган иссиқ ваннадан бошқа ва тетик бўлишга ёрдам беради. Чунки иссиқ ёрдамида гавдадаги нам чиқиб кетади, гўшт намдан халос бўлганда, гавда тетиклашади.

— Редакцияга келаётган кўпгина хатларда озиш учун нималар қилиш кераклиги сўралган.

— Агар гавда ғайриоддий равишда кўп дам олса, мустаҳкамланиши учун анча вақт керак, агар узоқ вақт дам олишдан кейин бирданига меҳнатга юз бурса, албатта иш қийин кўчади. Бу нарса гавданинг барча аъзоларига ҳам алоқадор...

Бўшанглик ва яллиқликдан қўрқоқлик туғилади, машқлар ва меҳнатдан жасурлик ошади!

(«Советский спорт» газетасидан).

Фенимор КУПЕР. Америка

ЧЎҚҚУВАР



(РОМАНДАН ПАРЧА)

Изқувар айни сонияда дарёнинг ўртасида, деярли душманларнинг рўпарасида эди. Кап билан Жасперларнинг забардаст қўлларн бошқариб бораётган иккинчи қайиқ эса аниқ таймнланган жойга етиб олганди деярли. Кекса денгизчи қайиқда ўзини уйидадек ҳис қилиб, мардона тутаётган эди. Устига-устак у жиянининг астойдил яхши кўрар, айни чоғда, шубҳасиз, ўз шахсини ҳам унутмаётган эди. Гарчанди у бошқача турдаги жанглярда тажриба орттирган бўлса-да, урушнинг ўтли-ловли йўлларига кўникиб кетганди. Эшкак барҳамжиқатлик билан яна бир неча бор сувга урилгач, қайиқ шиғиллаганча бутлар орасига кирнб кетди. Жаспер Мабелнн шоша-пиша қайиқдан туширди-ю, шу лаҳзадан бошлабоқ ўзала қочқин хатардан халос бўлишди.

Изқуварнинг аҳволи бундай эмасди. Унинг ҳаётига ниҳоятда катта хавф таҳдид солиб турарди, у худди ғаннмларга яқинлашган дақиқада қирғоқдаги ирокезлар сувдан келаётган шерикларн қаторига қўшилишганн туфайлидан бу хатар янада ортганди. Освегонинг энн шу ерда бир кабельтатрофида бўлиб, дарё ўртасида сузиб бораётган қайиқ бирон лаҳза тнимаётган икки томонлама ўқ ёмғири остида қолган эди.

Мазкур ҳал қилувчи дамда Изқуварнинг совуққонлигию матонати ўзига бағоят асқотди. У ўзини фақат бетнним ҳаракатда бўлиш асраб қолишнни биларди, зотан ирокезлар қимирламай турган нишонни бундай масофадан бехато мўлжалга олишлари аниқ эди. Бироқ Изқувар агарда тўғрига қараб сузаверадиган бўлса, бугу овнга ўрганган ҳиндуларнинг ўқи барн бир қувиб етарди уни. У қайиғи йўналишини муттасил ўзгартириб турнши, гоҳ оқим бўйлаб ўқдай учиши, гоҳ кўққисдан тўхтаб, бир неча ярд оқимга кўндаланг сузишн лозим эди. Бахтига ирокезлар милтиқларни сувда ўқлаётмасдилар, қирғоқни қоплаган қуюқ бутлар эса қуруқликка чиқиб олган қочқинларни кўрнб турншларига ҳалал берарди. Шундай қилиб Изқувар рақиблар ўқи остида дам қуйнга, дам кўдалангига сузганича оз-оздан узоқлаб бораркан, қўққисдан хавфу хатар янаям газак олиб кетди: оқ танлнлар оқим бўйлаб қуйига сузиб кетмадилармикан, дея кузатганн жўнаган соқчилар тўдасн етиб келиб қолди.

Боя ирокезлар ўз суҳбатларн пайтида тнлга олган жангчилар тўдасн эди бу. Улар ўн кишидан кам эмасдилар. Улар сув қутурганича дўппайиб чиқиб турган харсанглар ва саёзлик сарн нитилиб, шовуллаётган ерга жойлашиб олишди. Изқувар мабодо қайиғинн ўша шовуллаган саёзликка қараб соладнган бўлса, оқим унн албатта ирокезлар писиб ўтирншган жойга итқитиб юборишнни кўриб-билиб турардн. Бўйбермас қудратли оқим унн сурнб кетишн, харсанглар эса йўлнни тўсишн, ана унда бу ҳаракатнинниг оқибатн шак-шубҳасиз ўлим ёвуд бандилик билан тугашн тайнн эдн. У бор кучнни ғарбий соҳилга, душманлар турган қирғоққа қарама-қаршн ёққа етиб олишга сарфлашга тутинди. Аммо бу нисон боласининг чоғн келадиган ишн эмасдн. Оқимга қаршн сузса қайиғининг тезлнги сусаярди-ю, бу билан у душманларга ўзнни қувиб етишларига имкон яратиб берарди. Ана шундай иложсиз, танг шароитда, барн бир одатий совуққонлигнни йўқотмай, қалтнсу мардона бир ишга жазм этдн. Оқим бўйлаб харсангларнн оралаб ўтиш ўрнига, саёзликка қараб ҳайдадн, ўша ерга етиб бора солиб узун милтиғинн қўлига олди-ю, ўзнни сувга отдн. Изқувар тошдан-тошга сакраганча аста-секин ғарбий қирғоққа яқинлашиб бораверди. Уз қолига ташлаб қўйилган қайиқ гоҳ шиғиллаб бориб харсангларга урилиб, гоҳ қнй-шайиб ичига сув кирнб, гоҳ чайқалганида яна сувн сачраб тўкилиб, шитоб-ла саёзлик сарн елиб борардн, ахнйри ирокезлар жойлашиб олган ердан бир неча саржин берида қирғоққа урилдн.

Бироқ Изқувар ҳалн хавфдан қутулганича йўқ эдн, тўғри, унинг жасоратню эпчнллигидан ҳайратда қолган ҳиндулар дастлабнга бир лаҳза мобайнида қимир этмай анграйиб турншдн-ю, аммо ҳаял ўтмай тағин ўққа тутиш бошланиб, қочоқнинг бошн узра учиб ўтаётган ўқларнинг чувиллаши тўлқинларнинг шовуллашига омухта бўлиб кетдн. Устидаги кнйимнининг бир неча жойнни ўқ юлқиб кетди-ю, бироқ ўзнинг бирон жойинн ҳатто ўқ ялаб ҳам ўтмади.

Баъзн жойда Изқуварнинг кўкрагидан сув кечиб ўтишига тўғри келдн, бундай пайтда у милтиғн билан ўқ-дорилярни бошн устига қилиб баланд кўтариб олардн. Бу ҳолдан тойдиррадн, шуннинг учун ҳам у сувдан чиқиб турган, тепаси қуп-қуруқ харсангнн кўрганнда жуда қувониб кетдн. Шунда милтиқ дорн солинган мугузнн харсанг устига қўйдн-да, ўзн эса орқасига, ўқдан панага яширнндн. Ғарбий қирғоқ атиғи эллиқ қадамча нарнда эдн, лекин у қорайиб сокингина оқаётган сувга бир нигоҳ ташлаганидаёқ уёққа фақат сузибгина етиб бора олишн мумкин эканинн англади.

Ҳиндулар бир неча дақиқага ўқ отишнн бас қилишдн. Улар қайиқ атрофида тўпланишиб олишгандн, ичидаги эшкакни кўргач, дарёни кесиб ўтишга шайланишаётгандн.

— Изқувар!— чап қирғоқдаги қалин бутазордан эшитилди бу овоз.

— Нима дейсан, Жаспер!

— Дадил бўл! Дўстларнинг яқинингда, сурбетлнги эвазига жонидан айрилмай турнб бнрорта минг дарёдан сузиб ўтиб бўптн. Милтиғингни харсангда қолдирнб, то бу палид-лар қайиқни сувнинг чуқур жойига олиб чиқмаслардан олдинроқ буёққа сузиб ўтганинг маъқулмасмн!

—Ўрмон одами токи мугузида милтиқ дорисию садоғнда ўқ билан чақмоқтош бор экан, ҳеч қачон ўз қуролнни ташлаб кетмайди. Биласанми, Чучук Сув, мен бугун бирор мартаям ўқ узганим йўқ ҳалн, лекинига бу дайдилардан ўзимдан эсдалик қолдирмасдан ажралишни ёктирмайман. Оёғим сувда бўлса бало урмайди унга. Бунинг устига десанг, Ароухедни бу бекорхўжа аблаҳларнинг орасида кўрдим, у ўз «садоқати» учун мукофотга лойиқ иш кўрсатди, шундоқ экан, унн тақдирлаганим бўлсин. Ишонаманки, сен сержантнинг қизини ўққа нишон қилганн буёққа эргаштнриб келмагандирсан-а!

— У бехавотир жойда, ақалли ҳозирча. Буёғи душманнинг дарёни кечиб ўта олишга халақит бера олиш-олмаслигимизга боғлиқ. Улар энди бизнинг камчилик эканимизни билишади. Шунинг учун ҳам, мабодо буёққа сузнб ўтганларидаям, чамамда тўдаларидан бир қисмини нарнги қирғоқда қолдиришса керак-ов.

— Қайиққа алоқадор жамики гап сенинг зиммангга юкланади, бола. Аммо-лекин, миниглардан қачон бўлмасин бугуга найза санча олган энг довюрагнга бир эшкак эшгудек масофагача яқинлаб келишинга йўл қўйиб бераман. Агар улар дарённ шалола-остонадан юқорирокдан кечиб ўтишса, биз улардан кўра юқорирокдан сузиб ўтиб, бу қашқирлар билан қувлашмачоқ ўйнасак қандоқ бўларкнн!

— Сенга айтдим-ку, чамамда, тўдаларидан бир қисми нарнги қирғоқда қолса керак, деб. Иннайкейин, Мабелнн бу ирокезларнинг ўққа рўпара қилишнни хоҳламассан!

— Сержантнинг қизини қутқариб қолиш зарур! — жавоб қайтарди Изқувар қатъий. — Сен ҳақсан, Жаспер; қиз ўзини мингнинг ўққа нишон қилмаслигн даркор. Унда нима қилдик! Агар кложнни топсак, шунга ҳаракат қилайликки, улар дарёдан бир ёки икки соатсиз ўта олмасинлар, бнз эса бу орада қош қорайганидан фойдаланиб қоламиз.

— Гапингга қўшиламан, Изқувар. Қани энди шундай бўла қолса эди! Лекин бунга чоғимиз келармикин!

— Шаршара билан гарнизон оралиғида бизнинг қайиқларимиздан бўлак бирортаям кемаю қайиқ йўқ, қизил танлилар эса ўзларига ўқталиниб турган карабнним билан сеннг қуролнингни кўриб дарёдан сузиб ўтишга ботинишолмайди. Мақтанишни истамайман-у, Жаспер, аммо чегарапнинг бу атрофларида меннинг «бугу урар»им камдан-кам хато уришини жуда яхши билишади.

— Сеннинг нқтидорингга ҳамма ерда ҳам одилона баҳо беришади, Изқувар, лекин милтиқни ўқлаш учун вақт керакку, ахир; бунинг устига ўзинг шу топда бехавотир қуруқликда, пана жойда турган бўлмасанг, хнйла ноқулай маррада турнб жанг қилишингга тўғри келса. Башарти меннинг қайиғнм нхтиёрингда бўлганда қуролингни хўп қилмай, бу қирғоққа ўтиб олармидинг!

— Бугут парвоз қила олади-ми, дегандай гап бўлди-ку бу, — дея жавоб қилди Изқувар, ўз одатнча унсизгина кулиб. — Сувда турнб ҳаётнни таҳлика остида қолдирнш ақлсизлик бўлурди; кўряпман, бу палидлар яна ўқ-дорнни ишга солнш нниятида кўринадилар.

— Хатардан қутулса бўлади. Мистер Кап қайиқнинг олдига борадида, битта шохни дарёга ташлайди, шунда сув унн сен панасида турган харсанг ёнига оқизиб борадими-йўқми маълум бўлади-қўяди. Қўряпсанми, шох аллақачон сувда оқиб келяпти! Агар шох олдингга оқиб борса, унда қўлингни кўтарасан, кейин Кап қайиққни нтариб оқиб борса-ю, сен ушлолмай қолсанг, оқим унн бнр-бир тағин қирғоққа сурнб келади, шунда мен осонгина тутиб оламан.

Оқим тобора тезроқ оқиза бошлаган шох ниҳоят харсанг ёнига етиб келган пайтда ҳам Жаспер гапириб ётганди. Изқувар шохни тутиб олди-ю чуваффақият белгнси сифатида қўлинн юқорн кўтардн. Шох кетидан қайиқ ҳам оқиб келди. Изқувар унн шу заҳотнёқ ушлаб олди.

— Антиқа нш бўлди-ку! Чегара ҳаётнга кўникишнинг хосияти ана бундоқ бўлибди, Жаспер! — деди йўл бошловчи илжайиб. —Сеннг табиатинг сувга тортади, меннки бўлса ўрмонга. Ана энди муттаҳам мнглар милтиқ тепкисини тепага кўтариб, хохлаганча мўлжалга олаверсинлар: охирги марта қулай фурсатдан фойдаланиб, беҳнмоя одамга қарата ўқ узиб қолишларн мумкин.

— Қайиқнн қирғоққа қаратиб нтарнб юборгнн-да кейин унга нрғиб чиқиб, тубига ётиб ол. Бекордан-бекорга кундай равшан кўрнниб турган хатар тнғнга кўксинн тутиб бернш ахмоқлик.

— Мен ўз рақибларим билан эркакчасига бетма-бет турмшни яхшн кўраман, агарда улар ҳам менга худди шундоқ ибрат кўрсатмшса, албатта! — жавоб қайтарди Изқувар мағрурона.

— Мабел-чи!

— Тўғри айтасан, бола, тўғри! Сержантнинг қизини қутқариб қолиш керак ва, сен айтгандай, бекордан-бекорга ўзнни хавф-хатар тнғнга рўпара қилмаслик лозим, йўққа ўйламай иш қнладиган телба болакайга ўхшаб қоласан. Ҳозир турган жойингдан қўл узатиб қайиқни ушлаб ололмасанмн!

— Албатта-да, фақат зарб билан қаттиқроқ нтарсанг.

Изқувар қайиқни бор кучила нтарнб юборди. Енгил қайиқ ўзини қирғоқдан ажратиб турган масофани тезгина босиб ўтди. Қайиқ Жасперга яқинлаб боргнн биланоқ йнгит дарҳол ушлаб олди унн. Қайиқни бехавотнр жойга яшнриб, буталар орасндан қулай жойни топгач — бу ишлар кўз очиб-юмгунчалик фурсат ичида адо этнлгандн — Изқувар билан Жаспер бамисоли узоқ жудолнкдан сўнг дийдор кўришган нккн ўртоқдек, қучоқлашишдн.

— Ана энди кўрамиз, Жаспер «бугу урар» тишнни ғижирлатиб турганида бу мнгларнинг бирортаси Освегодан кечиб ўтишга журъат эта олармикан. Эшкак, рул ва елканларга сен қуролдан кўра кўпроқ ўрганиб кетгансан, албатта, локигин юрагинг мардона, қўлларнгг бақувват, толмас, жангга бу чакана гапмас.

— Мен Мабелнн ҳимоя қиламан, — хотиржамгина жавоб берди Жаспер.

— Ҳа-ҳа, бнз сержантнинг қизини асраб-авайлашимиз керак. Мен сенн ҳамиша яхшн кўриб келганман, Жаспер, эндиликда эса, бор кучингни ўз жонингнн ҳимоя қилиш зарур бўлиб турган бнр пайтда шу шўрлнк қизнинг ғамнюю ташвишини чекаётганинг учун янаям кўпроқ севаман сенн. Қара, Жаспер! Ярамасларнн ушласа қайиққа ўтнрншяпти-ку! Афтндан, улар бизни жуфтакни ростлаб қолдн деб ўйлашяпти чоғи, йўқса меннинг «бугу урарим» жонларига кўз тикиб турганида дарёдан сузиб ўтишга ботинолмасдилар.

Ирокезлар усталик билан яширнннб турган Изқувар ва унинг дўстнни кўрмай уларни қочиб қутулишмоқчи деб ўйлаб, чиндан ҳам Освегони кесиб ўтиш тараддудида эдилар. Башарти ҳимояларида Мабель бўлмаганида оқ танлилар ҳақиқатан жон-жон деб шундай қилишларн мумкин эди: ўрмон жангларн билан ниҳоятда таннш бўлган дўстлар қизни фақат дарёдан ўтнладиган йўлнн тўсганларидагина қутқариб қолиш мумкин эканини фаҳмлаб турншардн.

Қайиқда Изқувар айтганидек уч жангчи: икки нафари чўк тушиб олган, қўлларида қуроллари отишга шай; учнчнси қуйруқда тнппа-тик эшкак билан қайиқни бошқарарди. Улар дарёни остона-шалоладан юқорирокдан, сув осойишта-роқ оқаётган жойдан кесиб ўтиш ниятида оқимнинг юқорисига қараб сузиб кетишди. Эшкак билан қайиқни бошқариб бораётган мннг ўз ишининг устаси фаранг экан: енгил қайиқ сувда нақ ҳаводаги патдай текис учиб кетяптн.

— Отсак қандоқ бўларкнн! — секнингина сўради Жаспер сабрсизликдан қалтнраб.

— Ҳали эрта, бола, фурсати келганн йўқ ҳали! Улар уч кишигина, холос, иннайкейин, агарда мистер Кап белидаги тўппончасини ишга солиб қолмаса, ҳатто уларнинг қирғоққа тушишларига ҳам йўл қўйиб берамиз, шу йўл билан қайиғимизни қайта қўлга кирнтамиз.

— Мабель нима бўлади!

—Сержантнинг қизидан хавотнр олишнинг ҳожати йўқ. У бехавотнр жойда, дарахтнинг нчидаги бўш кавакда, оғзини тоғолча шаббаларн билан беркитиб қўйдим, деб ўзинг айтдинг-ку менга. Кейин, агарда изларни яхшилаб йўқотган бўлсанг, қиз сира қўрқмай, мннглардан қулиб, бир ойгача бемалол ўша ерда ётаверишн мумкин.

Изқуварнинг сўзи оғзида қолди, зероки худди шу сонияда вараглаб ўқ узилди. Қайиқ қуйруғида турган ҳинду бир сапчиб тушди-ю, қўлидаги эшкак билан сувга қуладн...

Рус тилидан

Э. МИРОБИДОВ таржимаси.

(Газетанинг навбатдаги сони 18 майда чиқади).

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ.

3 Тошкент БЕТ. ОҚШОМИ

16 МАЙ, 1984 й.

● ВРАЧ МАСЛАҲАТИ

ЖЕЪДА СИҲАТЛИГИ ВА ОВҚАТЛАНИШ

Жеъда ёки ўн икки бармоқ ичак яра касаллиги фақат шу аъзолар касаллиги бўлмай, кишн организмининг умумий касаллигидир. Шунинг учун характерли бўладн. Баъзида оғриқ бўлмасдан олдин жиғилдон қайнайдн.

Қусиш ҳам яра касаллиги бор беморларда учрайдиган аломатлардан биридир. Беморларнинг иштаҳаси одатда яхши бўлади, бироқ улар оғриқдан қўрқиб, овқат емайдилар. Касаллик узоқ давом этганда иштаҳа ёмон бўлиши мумкин.

Ҳозирги вақтда шифохоналарда диагнозни аниқлашда юқорн сифатли оптик асбоблар, эндоскоплар қўлланяптн. Диагнози аниқланган беморлар врач тавсняси билан даволанадилар. Касалликнинг олдини олишда кун тартнби ва ҳаёт тарзини оқилнк билан тўғри йўлга солиш, тўғри дам олиш жуда муҳим.

Тўғри овқатланиш яра касаллигининг олдини олишда жуда катта аҳамиятга эга. Қаттиқ таъсирлайдиган ва яхши пишмаган овқат емаслик, доимо бир вақтда овқатланиш, парҳезни тўғри танлаш, чекмаслик ва спиртли ичимлик ичмаслик — буларнинг ҳаммаси касалликнинг олдини олнбгина қолмасдан, балки уни бошланғич даврндаёқ ривожланишдан тўхтатади.

Касал бўлган беморлар парҳезга алоҳида эътибор бернширн керак. Врач томонидан тайин қилинган парҳез таомлар қўлланиши лозим. Ҳозирги пайтда турли-туман дорн моддалари қўлланнш билан бирга, беморлар махсус шифохона - курортларда даволанадилар.

Врачнинг барча айтганларига пухта амал қилганда бемор бутунлай соғайиб кетади.

Ш. ШОМУРОДОВ, врач-терапевт.



● ИНСОН ҲАҚИДА ҒАМХЎРЛИК

Ҳайдовчиларнинг санаторий-профилакторийси

Катта шаҳарда автомобиль рулини кун бўйи бошқариш оғир иш саналади. Бу ўз-ўзидан ҳайдовчилар меҳнатини ташкил этишда социал-маиший масалаларга алоҳида аҳамият беришни тақозо этади.

Тошкентдаги енгил таксомоторлар экспериментал ишлаб чиқариш корхонасида айнан шундай қилиняпти. Бу ерда таксопарк ишчи ва хизматчиларининг яхши меҳнат қилиши ва дам олиши, соғлиғини мустаҳкамлаши учун барча шароитлар муҳайё этилган. Корхона коллективи мана етти йилдирки, ўз санаторий-профилакторий сигага эга. Бу даврда бу даволаш муассасасида 3,5 мингдан ортиқ киши саломатлигини мустаҳкамлади.



Санаторий-профилакторий зарур инвентарлар, медицина аппаратлари билан тўла таъминланган. Даволанувчилар бу ерда 30 га яқин физиотерапевтик ва бошқа процедураларни қабул қилади. Зарурат сезганлар денгиз ваннаси, Тошкент минерал суви ваннаси ва Тожикистондаги Ховатоғ минерал суви ваннасидан фойдаланадилар. Ховатоғдан минерал сув ташиш учун махсус цистернали машина ажратилган.

Санаторий-профилакторийда фақат енгил таксомоторлар эксперименталишлаб чиқариш корхонасининг эмас, балки шаҳардаги ўнлаб пассажир автотранспорти корхоналарининг ҳайдовчилари дам олиб, даволанишган. Бу ерда бўлганлар мазкур даволаш муассасаси коллективининг ажойиб фаолияти ҳақида таклиф ва мулоҳазалар китобига илиқ, самимий дил сўзларини ёзиб қолдиришган.

СУРАТЛАРДА: санаторий-профилактнрийдаги дам олиш хонасида; ҳамшира А. Казанжанц (ўнгда) даволанаётган такси ҳайдовчи А. Ҳайдаров ёнида.

Х. Мирзакаримов фотолари.

● БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

Одамлар чекишни ташлаганларида эди...

Агар одамлар чекмай қўйсалар, деб ҳисоблайди, машҳур инглиз олими Ричард Дон, у ҳолда рак касалликларидан ўлиш даражаси уч ҳисса камайган бўлур эди. Ўпка ва нафас йўлларининг баъзи касалликлари амалда бутунлай йўқолар эди, юрак касалликларидан ўлиш эса тўрт ҳисса камаярди.

Ўттиз йилдан ортиқроқ рентгенолог бўлиб ишлаган бир кишидан соғлом одамнинг ўпкаси рентгенда қандай кўринади, деб сўрашибди.

— Соғлом одамнинг ўпкаси,— дейди у, — рентгенда худди яшнаган, кўм-кўк майсаларга бурканган водийга ўхшаб кўринади.

— Узоқ йиллар тамаки чеккан одамнинг ўпкаси-чи? — сўрашганида. — Худди чағир тошлар билан тўлиб-тошган, қурум босган, тирикликдан асарсиз тошлоққа ўхшайди, — деб жавоб берган экан у.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ



ЯХШИ АНЪАНА

Анъанага кўра яқинда бу ерда маҳалла чемпионн номинн олиш учун турнир ўтказилди. Ғолиблнк учун 50 дан зиёд турли ёшдаги кншн дона сурдн. Уларнинг орасида турлн касб кишларн бор эдн.

СУРАТДА: турнир пайти.

Т. Каримов фотоси.

Тошкент — Олмаота шахмат матчи


„ДУСТЛИК" МАТЧИ

10 май кунн газетамизда сиртқи «Дўстлик матчи»нинг ҳар нккн тахтасида олмаотанкларнинг шахмат мухлисларнннг юришларн эълон қилинган эдн. Улар ўзларн оқ доналар билан ўйнаётган бирнчи тахтада навбатдагн — олтинчи юришни эълон қилишдн — e2:c3. Иккинчи тахтада эса газетхонларимизнинг h2—h3 юришига Cg4—h5 билан жавоб берншган эдн.

Газетхонлардан тошкентликлар оқ доналарда ўйнаётган иккинчи тахтадагн навбатдагн — еттинчи юришнн таклнф этнш, бирнчи тахтада эса олмаоталикларнинг e2:c3 юришига қандай жавоб бернш ҳақида фикр билдирншни сўраган эдик.

Редакция шахмат мухлисларндан 170 дан знёд таклнфлар ёзилган хат олди. 51-газетхон таклнфнни телефон орқали хабар қилдн. Уларнинг кўпчилиги бирнчи тахтада олмаоталикларнинг олтинчи юришига d5—d4 билан жавоб берншни, иккинчи тахтада эса Кв1—c3 юришнни таклиф этишган. Жумладан, Д. Мархаев, К. Кирясов, И. Сафаров, А. Юнусов, Ф. Раҳмоншиқов, Х. Азизқулов, О. Эргашев, Т. Набижонов, Н. Кондюрин, В. Пахмутов, Р. Қурбонов, А. Олин, С. Ким, Д. Тихонов, Ғ. Назирчаев, У. Утназаров, С. Знёдов, С. Ҳасанов ва бошқалар шундай таклнф билдирганлар. Бу юришлар тўғри деб топилди ва олмаотанлик шахмат мухлисларига маълум қилинди.

Олмаота—Тошкент



Тошкент—Олмаота.

Энди ҳар нккн тахтада қилинган юришларни эслатиб ўтамиз. Бирнчи тахтада: 1. e4e5. 2. Кс3 Кf6. 3. f4 d5. 4. e5 Ke4. 5. d3 Кс3. 6. c3 d4.

Иккинчи тахтада: 1. d4 d5. 2. c4 dc. 3. Кf3 Кf6. 4. e3 Cg4. 5. Cc4e6. 6. h3Ch5. 7. Кс3...

Ҳурматли газетхонлар! Сиртқи шахмат матчи қандай боряпти! Бу ҳақдаги фикр ва мулоҳазаларингизни кутамиз.

Бизнинг адресимиз: Тошкент шаҳри, ГСП, Ленин кўчаси, 41, «Тошкент оқшоми» [«Дўстлик матчи»]га, таклифларингизни 330874, 325680, 325681, 325885 телефонлари орқали ҳам хабар қилишингиз мумкин.

1. Кабельт —денгиз узунлик ўлчови, 1982 м. га тўғри келади.

(Охири. Боши газетанинг ўтган сонида).

САЛОМАТЛИК МАРШРУТИ БЎЙЛАБ

Инсоният кўнгилли меҳнати жамияти қошида ташкил ташкилотлар ишлаб турган ишлар ҳудди шундай югурувчилар ҳаракатимизга саломатликларнинг тиклаш, тетик ва бардам бўлиш, унумли меҳнат қилишларига ёрдам бермоқда.

Клубнинг ўз анъанаси бор. Ҳар йили совет халқининг Улуғ Ватан урушида қўлга кирнтган Буюк Ғалабасига бағишлаб узоқ масофага югуриш мусобақасини ташкил этади. Бу сафар клуб аъзолари Чирчиқ шаҳридаги Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган эр йигитлар хотирасига ўрнатилган «Турналар» ҳайкали олдида сафландилар. Бўзсув каналига қадар улар билан бирга 300 нафар чирчиқлик ишчи ва хизматчилар ҳам чопиб келишди.

Югуришни узоқ умр манбаи деб тушунган клуб аъзолари эса чопишни давом эттиришди. Улар Ленин комсомоли номидаги маданият ва истироҳат боғида маррага етдилар. Баҳсда 50 кишн қатнашдн. Уларнинг орасида мактаб ўқувчиси ҳам, 80 ёшли пенсионер ҳам бор эди.

Ю. А. ГАГАРИН НОМЛИ
ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ТЕХНИКУМИ

1984 ЙИЛНИНГ 26 МАЙ ВА 9 ИЮНИДА

соат 14.00 дан 16.00 гача

ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИНИ ЎТКАЗАДИ

Авиация техникумига ўқишга кириш истагида бўлган 8 ва 10 синфдаги мактаб ўқувчилари ва уларнинг ота-оналари, шунингдек мактабларни битирган йигитлар ва қизлар таклиф қилинади.

Техникум қошида техника ижодиёти кўргазмаси ишлайди.

Техникум адреси: Тошкент шаҳри, Куйбишев кўчаси, 12-уй, қабул комиссияси (2, 3, 4, 13, 14, 22, 25, 28-трамвайлар; 58, 68, 26, 133, 52-автобусларнинг «Инқилоб хиёбони» автостанцияси» бекати.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг

ГРАЖДАН АВИАЦИЯСИ 243-ЗАВОДИ ҲУЗУРИДАГИ
121-АВИАРЕМОНТ ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1984-85 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Учиш аппаратлари ремонти бўйича слесарь, авиа двигателлари бўйича слесарь, учиш аппаратлари ускуналари бўйича электромонтажчи, механика-йиғув ишлари бўйича слесарь, токарь, газэлектр пайвандчи.

8-синф ҳажмида маълумотлилар 3 йил, ўрта маълумотлилар эса 1 йил ўқийдилар.

Билим юрти юқорида кўрсатилган ихтисослар бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлайди.

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, 15 ВА УНДАН КАТТА ЁШДАГИ ТОШКЕНТЛИК ВА ТОШКЕНТ АТРОФИДА ЯШОВЧИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Билим юртини тугатганлар граждан авиацияси 243-авиаремонт заводида ва граждан авиацияси Ўзбекистон бошқармаси бўлимларида ҳамда шаҳардаги бошқа корхоналарда ишлайдилар.

Билим юртини битирганлар отпуска даврида самолётда учиш учун имтиёзли билет ва граждан авиацияси ходимлари учун белгиланган бошқа имтиёзлардан фойдаланадилар.

3 йил ўқийдиганлар ўқиш даврида тўла давлат таъминотида бўладилар ва граждан авиацияси учиш формаси билан таъминланадилар.

1 йил ўқийдиганларга ўқиш даврида ҳар ойда 68 сўмдан 80 сўмгача стипендия берилади. Бошқа шаҳардан келган ўрта маълумотлилар ётоқхона билан таъминланадилар.

8-синф ҳажмида маълумот билан ўқишга кирганларга ётоқхона берилмайди.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар институт ва техникумларга ўқишга юбориладилар.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ёзилган ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт, турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 286-формадаги медицина справкаси, 3х4 см. ҳажмидаги 6 дона фотосурат, ўқиш жойидан характеристика.

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ (якшанбадан ташқари) **СОАТ 9 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Авиасозлар шаҳарчаси, (39, 25, 61, 66, 111 автобусларнинг «Авиасозлар шаҳарчаси», 20, 10-трамвайларнинг «Транспорт институти» бекатлари). Телефонлар: 99-94-50, 99-96-93, 99-96-46.

Ф. Хўжаев номли 1-пойафзал фабрикаси қошидаги

143-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАРНИ

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ: **пойафзал қисмларини бичувчи, заготовка тикувчи, пойафзал тикувчи, тайёр маҳсулотни қабул қилувчи контролёрлар, слесарь-ремонтчи, электромонтёрлар, конструктор-модельер, модали пойафзал тикувчи.**

Билим юртига қабул қилинган 8— 10-синфни тамомлаган ўқувчиларга ҳамма ҳунарлар бўйича ўқиш муддати 6 ой ва улар 70 сўм стипендия билан таъминланадилар. Практикада ишланган иш ҳақининг 50 процентини оладилар.

Билим юртини битирганлар 1-пойафзал фабрикасида ишлайдилар.

Билим юрти қошида ўқувчиларнинг маданий ҳордиқ чиқариши учун пойафзалчилар маданият саройи ва ундаги туристик ва спорт, ҳаваскорлик тўгараклари мунтазам ишлаб турибди.

Билим юртида ишчи ёшлар мактаби бор.

Билим юртида бепул бичиш-тикиш курси бор. Битирганларга гувоҳнома берилади.

ЎҚИШ 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Билим юртини яхши битирган ўқувчиларга техникум ва институтларга йўлланма берилади.

Ўқишга киришни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари лозим: директор номига ариза, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, турар жойидан ва саломатлиги ҳақида справка, 3х4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат.

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ (якшанбадан ташқари) қабул ҚИЛИНАДИ.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳар, Б. Хмельницкий кўчаси, 6-уй (3, 2, 6, 14-троллейбусларнинг «Пойафзал фабрикаси» бекати). Телефонлар: 53-99-91, 53-99-04.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

129-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1984-85 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ОШПАЗ (миллий ва чет эл таомларини тайёрлай оладиган), ОФИЦИАНТ (чет тилини биладиган), ҚАНДОЛАТЧИ.

Ўқиш муддати — 2 йил.

ОШПАЗ, САНОАТ МОЛЛАРИ СОТУВЧИСИ, ОЗИҚ-ОВҚАТ МОЛЛАРИ СОТУВЧИСИ.

Ўқиш муддати — 1—3 йил.

МЕВА-САБЗАВОТ СОТУВЧИСИ. Ўқиш муддати — 6 ой.

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқишга ўрта маълумот билан кирганларга ҳар ойда 30 сўмдан стипендия берилади, 8-синф ҳажмида маълумот билан кирганлар эса бепул овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар.

Билим юртини тугатганларга тўлиқ ўрта маълумот ҳақида диплом берилади.

Машғулотлар янги ўқув корпусида олиб борилади. Ўқув кабинетлари яхши жиҳозланган.

Билим юртида бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ва спорт секциялари ишлайди.

Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: директор номига ёзилган ариза, маълумоти тўғрисида ҳужжат (асли), таржимаи ҳоли, 286-формадаги медицина справкаси, турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 3х4 см. ҳажмидаги 6 дона фотосурат, характеристика.

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: 700114, Тошкент шаҳри, Киров районн, Юнусобод массиви, 18-квартал (9, 49, 67, 83, 177-автобусларнинг «27-мактаб» бекати).

КИТОБСЕВАРЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ТАШКНИГА» ШАҲАР КИТОБ САВДОСИНИНГ

ОБУНА НАШРЛАРИ МАГАЗИНИ
(Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспекти, 7-уй)

Н. В. ГОГОЛНИНГ 7 ЖИЛДЛИ
ТАНЛАНГАН АСАРЛАРИГА

ОБУНА ЎТКАЗАДИ

Бай пули — 1 сўм.

19 май куни соат 9 дан 16.00 гача танаффуссиз олдиндан ёзув ўтказилади.

Ёзув пайтида маҳаллий пропискаси бўлган паспорт бўлиши лозим.

Обунани тез ўтказиш ва ёзиш вақтини қисқартириш мақсадида обунада иштирок этадиган барча кишилардан шуни сўраймизки, ўзингиз билан бирга уй адресингиз, фамилиянгиз, номингиз, отангизнинг номини босма ҳарфлар билан аниқ, равшан ёзилган почта откриткасини олиб келишингиз лозим.

Улуғ Ватан уруши қатнашчилари навбатсиз ёзилиш ҳуқуқига эгадирлар. Ютуқ 19 май куни соат 18.00 да ўтказилади.


АБОНЕМЕНТЛАР 20, 21, 22 МАЙ КУНИ СОАТ 10 ДАН БОШЛАБ БЕРИЛАДИ.

Улуғ Ватан уруши инвалидлари учун ёзув 20 май якшанба куни соат 10 дан 12.00 гача ўтказилади.

ЮТУҚЛАР СОАТ 12.00 ДА ЎЙНАЛАДИ.

Магазинда 1985 йил тематик планлари бўйича ихтисослик адабиётларига обуна расмийлаштириш мумкин: «ВИСШАЯ ШКОЛА», «КОЛОС» «ЛЕГКАЯ И ПИШЧЕВАЯ ПРОМИШЛЕННОСТЬ», «ЛЕСНАЯ ПРОМИШЛЕННОСТЬ», «МЕДИЦИНА», «НЕДРА», «ПЕДАГОГИКА», «РАДИО И СВЯЗИ», «СТРОЙИЗДАТ», «ЭКОНОМИКА».

Магазиннинг справкалар телефони 44-57-41.



АБОНЕМЕНТ БИЛЕТЛАРИМИ?—

БУ ЖУДА ҚУЛАЙДИР!

Трамвай ва троллейбус станцияларидаги касса-автоматлардан ва бекатлардаги киоскалардан;

барча савдо ташкилотларидан;

диспетчерлик пунктларидан;

иш жойи бўйича корхона ва муассасалардан

АБОНЕМЕНТ БИЛЕТЛАРИНИ

БАРВАҚТ СОТИБ ОЛИШ МУМКИН.

Абонемент билетларини сотувчи киоскаларда йўл карточкаларини ҳам сотиб олиш мумкин.

ТОШКЕНТ ТРАМВАЙ-ТРОЛЛЕЙБУС ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БОШҚАРМАСИ (телефон 33-58-50).

ПИОНЕР ЛАГЕРЛАРИ, КЛУБЛАР, МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒЛАРИ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ «ЭЛЕКТРОНИКА» ФИРМА МАГАЗИН-САЛОНИ

ЭЪТИБОРИНГИЗГА ҚУЙИДАГИЛАРНИ ҲАВОЛА ЭТАДИ:

паст частотали «Радуга» усилителлари: у микрофон, электр гитара, электр музика асбоблари, магнитофон ва бошқа электр токида ишлайдиган музика асбоблари электр сигналларини баландлатиб беришга мўлжалланган. Усилитель ҳаваскор эстрада оркестрлари ва ансамбллари учун жуда қулайдир. У бир вақтнинг ўзида учта манбадаги сигналларни баландлатиб беради, содда ва ишончли конструкцияга эга, вазни енгил — у ердан бу ерга кўчириш учун қулай. Усилителга 24 вт. қувватли 3 К—24 битта овоз колонкаси уланади. Электрон ҳимоя—усилителни тасодифий қисқа туташувлар туфайли ишдан чиқишининг олдини олади.

Баҳоси — 235 сўм.

3 К—24 овоз колонкаси кенг полосадаги овоз частоталарини қайтадан эшиттиришга мўлжалланган. У 3—40 м. нагрузкага мўлжалланган «Радуга» ва бошқа усилителлар комплектига киради.

Колонканинг белгиланган қуввати — 24 вт;
частоталар белгиланган диапазони —63-12500 гц;

Овоз босимининг тенгсизлик частота характеристикаси белгиланган диапазони 24 дб.дан ошмайди;
овоз колонкаси, жами — 27 кг. атрофида;

Габарит ўлчовлари:

баландлиги — 870 мм;

кенглиги — 550 мм;

гарантия муддати — сотилган кундан бошлаб 18 ой.

Битта овоз колонкаси баҳоси — 130 сўм.



ИЛМИЙ-ОҚАРТУВ, ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ВА САНОАТ МУАССАСАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ
ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ «ЭЛЕКТРОНИКА» ФИРМА МАГАЗИН-САЛОНИ ОПТИК КВАНТЛИ ГЕНЕРАТОРЛАРИ ВА ФАН-ТЕХНИКА ТУРЛИ СОҲАЛАРИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ЛАЗЕР ТЕХНИКАСИНИ 1984 ЙИЛ УЧУН РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛАДИ. 1985 ЙИЛ УЧУН ЭСА БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.

«ЭЛЕКТРОНИКА» фирма магазин-салони адреси: Тошкент шаҳри, Гоголь кўчаси, 38-уй, телефон 33-78-34.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-24)

ТВ

ЧОРШАНБА

16 МАЙ

● МТ I

17.35 «Горнчилар, қаердасиз!»
18.15 «Спорт ҳафталиги».
18.45 «Ёқилғини тежанг».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Тинчлик велосипед пойгаси. Чехословакиядан олиб кўрсатилади.
19.50 «Сиз яратган боғ».
20.20 «Давлат чегараси». Телевизион бадиий фильм. 1-фильмнинг 2-серияси.
21.30 «Время».
22.05 «Театр мемуарлари». «Театр — менинг уйим».
23.00 «Дунё воқеалари».
23.15 «Болакайнинг катта дўсти изланмоқда». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси.

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.45 «Фил эса гапира олади». Фильм-концерт.
19.15 СССРда II Халқаро музика фестивалининг очилиши. Москва Давлат консерваториясининг Катта залидан трансляция пайтида ёзиб олинган.
21.30 «Время».
22.05 «Тўқнашиш». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия.
23.10 Сув полоси бўйича халқаро турнир. Греция — СССР терма командалари.

● ЎзТВ I

18.15 «Шоирлар — болаларга». Пўлат Мўмин.
19.00 «Диалектика ва замонавий илмий тафаккур» Бутуниттифоқ илмий-назарий конференцияси.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Эскиздан экранга». Кино рассоми В. Синиченко. Туғилган кунининг 80 йиллигига (рус.).
20.30 «Ахборот».
20.50 Муқимий номли театрнинг солистлари ижросида музикали драмалардан ариялар ва дуэтлар.
21.30 Москва «Время».
22.05 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.
22.20 «Ғирром ўйин». Бадиий фильм.
23.50 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

18.25 Кўрсатувлар программаси.
18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Биз — 80-йиллар комсомоллари».
19.00 Телефильм.
19.10 «Авлодлар эстафетаси» (рус.).
19.40 «Океандаги орол». Телефильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 Ўқитувчи экрани.
20.50 Ўқув программаси.
21.30 МТ II

ПАЙШАНБА

17 МАЙ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Мультфильм.
10.00 «Шахсий масала». Телефильм.
10.40 «Давлат чегараси». Телевизион бадиий фильм. 1-фильмнинг 2-серияси.
11.45 «Горнчилар, қаердасиз!».
12.25 СССР музикали фольклори.
12.50 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 Илмий-оммабоп фильмлар.
16.00 «Паустовскийни такрор ва такрор ўқиб».
17.00 «Ирс» қадимий озарбайжон куйлари театри.
17.30 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
18.15 «Шахмат мактаби».
18.45 Д. Кабалевский. Фортепьяно ва оркестр ижроси учун 2-концерт.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Тинчлик велосипед пойгаси. Чехословакиядан олиб кўрсатилади.
19.50 «Миллионлар ленинча университети». Мактаб инсон ижодий активлигини шакллантиришда муҳим босқич сифатида».
20.20 «Давлат чегараси». Телевизион бадиий фильм. 2-фильмнинг 1-серияси.
21.30 «Время».
22.05 «Дунё ва ёшлар».
22.40 РСФСР халқ артисти Ю. Маросин ҳамда МТ ва БР рус халқ чолғулари академик оркестрининг концерти.
23.30 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 —9.35 «Коноваловга қарама-қарши». Ҳужжатли фильм.
11.05 —11.35 «Билимимиз —қудратимиз». Илмий-оммабоп журнал.
12.05 —12.40 «Автоматлаштириш: фан муаммолари ва жорий этиш». 3-кўрсатув.
14.05 «Военрук Барановский». Телеочерк.
14.50 «Бу қайноқ олам». Илмий-оммабоп фильм.
15.10 «Отпускага чиқолмади». Бадиий фильм, субтитр билан.
16.25 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.45 «Қишлоқ янгиликлари».
19.45 «Гуллар бозори». Анъанавий ярмарка ҳақида телефильм.
20.00 —20.30 «Онамларнинг мактаби».
20.50 «Ҳамдўстлик» тележурнали.
21.20 «Тарханлар». Ҳужжатли фильм.
21.30 «Время».
22.05 «Тўқнашиш». Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия.
23.10 Сув полоси бўйича халқаро турнир. Куба—СССР терма командалари.
23.25 Янгиликлар.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 Рус тили. «Бизнинг Ватанимиз».
10.50 Мактаб ўқувчилари учун. «Қўшиғим, жон қўшиғим».
11.30 Ўқув программаси (рус.).
12.00 «Ким бўлсам экан?»
12.30 Ўқув программаси.
13.00 Янгиликлар.
18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильм.
18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Эстафета давом этади».
19.00 «Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси ғолиблари ҳузурида».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 Халқ оғзаки ижоди. Хушвақт Мардонақул ўғли.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Ёшлар куйлаганда». Концерт.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Пиллакорларнинг шу кунги муҳим вазифалари».
22.25 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
23.25 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00 —16.30 МТ II.
18.25 Кўрсатувлар программаси.
18.30 «Алаверди». Телевизион бадиий фильм.
19.05 Реклама.
19.20 СССР халқларининг куйлари.
19.55 Тошкент янгиликлари.
20.15 «Жаҳон адабиёти классиклари». А. С. Пушкин. «Кичик трагедиялар».
21.30 МТ II

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ ВА ЙЎЛЛАР ИНСТИТУТИ

қуйидаги ихтисослар бўйича ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда ўқиш учун

1984 йилга

АСПИРАНТУРАГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Иссиқлик двигателлари; йўл, линия ва қурилиш машиналари; автомобиль йўллари ва автомобиль транспорти; халқ хўжалигида экономика, бошқаришни ташкил қилиш ва планлаштириш.

Аспирантурага қабул қилиш икки даврада ўтказилади: МАЙ, НОЯБРЬ.

Ҳужжатлар 1984 йил 1 октябргача қабул қилинади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, ГСП, К. Маркс кўчаси, 32-уй, 61-хона, аспирантура бўлими. Телефон 32-78-52.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ... ДАВЛАТ АКАДЕМИК ... ТЕАТРИДА —16/V ... 17/V да Севги ҳақида ...

ҲАМЗА НОМЛИ ... ДАВЛАТ АКАДЕМИК ... МА ТЕАТРИДА— 16/V ... буннисо, 17/V да ...

МУҚИМИЙ НОМЛИ ... ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ... РИДА—16/V да ... да Заҳар ичган ...

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ... КИДА— «Сувда цирк» ... цирки артистларининг ... лари (19.30).

КИНО

16 МАЙДА

БАДИИЙ ФИЛЬМ...

«АЙБДОР» ДЕБ ... СИН» —**Чайка** (жуфт ... да, телефон 77-06-20) (жуфт соатларда, теле... 14-59), **Тинчлик** (жуфт ... да, телефон 58-36-08).

«БЎРИ УЯСИ» — ... **саройи** (18.30, 20.45, ... 44-21-74) **Ватан** (18, ... **Нукус** (18.30, 20.45, ... 46-70-69), **Фестиваль** ... 21.40, телефон ... **Тошкент Советининг 50 йилли номли** (18, 21.00, ... 78-47-25), **Қозоғистон** ... 20, 21.00, телефон ...

«ДОВОНДА ОТИЛ... — **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01), **Ҳамза** ... телефон 32-78-02), ... (жуфт соатларда, теле... 14-61), **Лисунов** номли ... соатларда, телефон 96-...

«АВИАЦИЯ ХАЛ... ХАЗИНАСИ ТОМ... **ВЛКСМ 30 йиллиги** ... атларда, телефон ... **Ўзбекистон ССР 25** ... **номли** (тоқ соатларда, ... 53-65-87).

17 МАЙДА

БАДИИЙ ФИЛЬМ...

«АЙБДОР ДЕБ ТОП... **Искра** (жуфт соатларда, ... фон 39-14-59), **Тинчлик** ... соатларда, телефон 5... **Янгиобод** (тоқ соатларда, ... фон 96-36-21).

«ОППОҚ ШУДРИНГ... **Чайка** (жуфт соатларда, ... фон 77-06-20), **Лисунов** ... (тоқ соатларда, телефон ... 02), **К. Ёрматов номли** ... ва тоқ соатларда, телефон ... 22-66).

«БЎРИ УЯСИ» —С... **ройи** (11, 13.30, 16, ... 20.45, телефон 44-21-74) ... **тан** (12, 15, 18, 21.00) ... (11, 13.30, 16, 18.30 ... телефон 46-70-69), **Фе...** (ёзги, 21.40, телефон ... **Тошкент Советининг 50 йилли номли** (12, 15, 18, 2... лефон 78-47-25), **Қ...** (11, 12, 14, 15, 17, 1... 21.00, телефон 35-24-...

«ДОВОНДА ОТИЛМ... **Москва** (тоқ соатларда, ... 33-05-01).

«АВИАЦИЯ ХАЛ... ХАЗИНАСИ ТОМО... **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт ... атларда, телефон 33-44-... **бекистон ССР 25 йилли...** **ли** (тоқ соатларда, теле... 65-87).

Тошкент области ... нистик районидаги ... мактаб томонидан ... **нов Абдукарим Турди... вич** номига берилган ... номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент политехника ... томонидан Муралиев ... **бек Турсунбоевич** ... берилган 522417 ... йўқолган

ДИПЛОМ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар ... районидаги 85-ўрта ... томонидан **Шарапов** ... **Болтаевич** номига ... 922770 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

И. Охунбобоев номли ... публика медицина ... ти томонидан **Ғуломова** ... **роғат Толиповна** номига ... рилган 266667 номерли ... қолган

ДИПЛОМ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент Тўқимачилик ... гил саноат институти ... ти ва жамоатчилик ... лари назарий механика ... расининг ўқитувчиси

Марғуба Ҳамидовна РУЗМЕТОВАнинг

вафот этганлигини ... ғу билан билдириб, ... нинг оила аъзоларига ... изҳор қиладилар.

4 ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
БЕТ

16 МАЙ, 1984 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»
(«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)
—орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — ... шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ—32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ватанпарварлик ишлари—32-53-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

Р—12255. **Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри.** Б-2015. ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10